

Миллий ИСТИҚЛОЛ
ҒОЯСИ ТУРКУМИ



Н.Қувватов

ЎТИШ ДАВРИ ТАФАККУРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ
РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» КЕНГАШИ
ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ

Н. ҚУВВАТОВ

ЎТИШ ДАВРИ ТАФАККУРИ

*«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар»
ўқув фани бўйича махсус методологик комиссия нашрга
тавсия этган*



Ушбу рисолада ўтиш даври тафаккури, истиқлол йилларида халқимиз тафаккури ва маънавиятида юз берган ижобий узгаришлар таҳлил этилади. Унда Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларининг янгича, илғор дунёқарашни шакллантириш борасидаги аҳамияти ҳаётий мисоллар асосида ёритилган.

Китоб ишончли далил ва мулоҳазаларга бойлиги билан уқувчилар эътиборини тортиши шубҳасиз.

Илмий муҳаррир: академик Т. Т. Рисқиев

**Масъул муҳаррир: педагогика фанлари доктори
М. Қуронов**

**Тақризчилар: фалсафа фанлари доктори
С. Отамуродов,
сиёсатшунослик фанлари доктори
А. Холбеков**

Қ 71

Қувватов, Н.

Ўтиш даври тафаккури / Масъул муҳаррир: М. Қуронов. — Т.: «Маънавият», 2002. — 32 б.

Сарлавҳада: ЎзР Фан ва технологиялар маркази. Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти.

ББК 63.3(5У)+66.3(5У)

К 4702620204 — 32
М25(04) — 02

© «Маънавият», 2002

ЎТИШ ДАВРИ: ИРОДА ВА РУҲ ЭВОЛЮЦИЯСИ

«Куч — билим ва тафаккурда»

Ислом Каримов

Ўз умрини ўтаб бўлган эски тузумдан халқ хоҳиш-иродасининг ифодаси бўлган янги жамият сари ўтиш даврида аниқ тараққиёт стратегиясини белгилаб олиш ҳар бир давлат учун энг муҳим, шу билан бирга мураккаб ва масъулиятли масаладир. Бу стратегияни оғишмай, изчил ва қатъият билан амалга ошириш эса янада мураккаб вазифадир. Тан олиб айтиш керакки, XX асрнинг сунгги ўн йиллигида «социализм» дан кейинги маконда аввал бошданоқ пухта ўйлаб, янги жамият барпо этиш жараёнидаги барча қийинчиликларни ҳисобга олиб, стратегик жиҳатдан тўғри йўл танлаганлар ҳам бўлди. Айни пайтда «демократия» ҳақидаги нотўғри тасаввурларга алданиб, биз бир-икки йилдаёқ янги жамият қурамиз, дея ҳовлиққан ёки эски тузумни қумсаб, янги иттифоқ тузиш гоёсини илгари сурганларнинг ҳам гувоҳи бўлдик. Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи кимнинг йўли тўғри ва самарали эканини яққол намоён этмоқда.

Бу жиҳатдан, айниқса, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли диққатга сазовордир. Бутун дунёда ўзбек модели деб тан олинган бу йўлнинг моҳиятини бутун ҳар бир ватандошимиз яхши билади. Бу стратегик дастурнинг асосий тамойиллари дастлаб Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида ўзининг ифодасини топган эди. Биз бу ўринда эътиборни қаратмоқчи бўлган муҳим масала шундан иборатки, ўзбек модели фақат жамият ҳаётини, унинг асоси бўлган

иқтисодий муносабатларни ўзгартириб қолмай, халқнинг онгу тафаккури, маънавият ва дунёқарашига ҳам ижобий таъсир этди. Юртимизда янгича дунёқараш асослари шаклланди. Бошқача айтганда, фақат ижтимоий-сиёсий муносабатлар эмас, халқнинг руҳи ва иродаси ҳам эволюцион тарзда ўзгариб, такомиллашиб борди. Биз қуйида ана шу ўзгаришни бир нечта мисоллар асосида кўрсатиб ўтмоқчимиз.

Халқимизнинг онгу тафаккури ва руҳидаги юксалиш натижасини биз аввало унинг тарихий хотираси уйғонганида, шаъни ва ғурурини тиклаганида, кўҳна қадриятларига қайтадан эга бўлганида кўрамиз. Биз ўзимизнинг қанчалик буюк тарих ва маънавият эгаси эканимизни англаб етдик. Биргина мисол. Илгари халқимизнинг исломдан ҳам олдин бой маънавий мероси бўлганини яхши билмас эдик.

Ҳолбуки милоддан олдинги асрлардаёқ бизнинг заминимизда зардуштлиқ каби эзгулик таълимоти вужудга келган экан, ушбу таълимот кейинчалик Европанинг энг йирик файласуфлари эътиборини ҳам ўзига тортган. Хусусан, шўролар томонидан «иррационалист», «тарихий тараққиётни, динни инкор қилувчи нигилист» сифатида муттасил қоралаб келинган Фридрих Ницше ўз даврида бу таълимотни ҳар томонлама ўрганиб, «Зардушт таваллоси» номли асарини ёзган эди. Шўролар даврида эзгулик қайси шаклда бўлмасин, тақиқлангани боис, зардуштийлик қадриятларига эътибор берилмагани каби, Ницше таълимоти ҳам умуман ўрганилмади.

Шўролар Ницшедан нимага кўрқар эди? Чунки бу донишманд зотнинг фикрлари тарқалса, халқ ўртасида кенг ёйилгудек бўлса, инсонлар онгига зўрлик билан сиңдирилган коммунистик мафқуранинг сохта, пучлиги билиниб қолар, одамлар ўзлигини би-

лишга интилар, уларнинг қалбидаги озодлик ва мустақилликка бўлган ишонч қайта уйғонар ва буларнинг барчаси охир-оқибатда мустабид тузум пойдеворини қулатарди.

Маълумки, барча замон ва маконларда шахсни ва миллатни буюк қилган қудрат — уларни аниқ мақсадга сафарбар этувчи гоё ва куч — эзгулик ва озодлик гоёсидир. Ницше ўз асарларида ана шу гоёларни ўзига хос тарзда ифода этади. Бу гоёларни у зардуштийлик таълимоти асосида янада кучайтиради.

Шўро мафкурачилари Ницшени нигилистикда, яъни ҳамма эътироф қилган нарсаларни инкор қилишда айблади. Лекин Ницше талқинида нигилизм фақат қора рангдаги, яъни салбий маънодаги нигилизм эмас эди. У нигилизмни иккига — ожиз ва фаол турларга бўлган. Ожиз нигилизмни эскича қарашларга лоқайдлик, деб тушунган бўлса, фаол нигилизмни — эскича қарашларни ислоҳ қилишга қаратилган фаол шахсий ҳаракат деб билган. У ожиз нигилизмни — ожизлик, мутелик, ирода ва руҳнинг таназзулини қаттиқ танқид қилган; фаол нигилизмни — жўшқин, ирода ва руҳнинг ҳаракати сифатида тушунган ҳолда ёқлаган. Ожиз нигилизмга гирифтор кишининг руҳи, тушкун бўлади. У фақат ором истаб, жўшқин ҳаётни четдан кузатиб, ўз беғамлиги ҳамда лоқайдлигини оқлаб, ўзи бажариши керак бўлган ишларни илоҳнинг измига ҳавола қилиб яшайди. Фаол нигилизмни эса Ницше ижодкор ва бунёдкор инсон қиёфасида кўрган. Унинг фикрига кўра, фаоллик машаққатли, аммо бунёдкор иш олдидан инсон иродасида намоён бўладиган, уни улугвор вазифаларга сафарбар қиладиган қалбига ишонч ва эътиқод бахш этадиган кучдир.

Ницшенинг бош қаҳрамони — миллий маънавиятимизнинг бетакрор намунаси — «Авесто» ки-

тобининг муаллифи, зардуштийлик таълимоти асосчиси Зардушт бобомиз эди. Европалик буюк файласуфнинг инсонни, халқни маънавий жиҳатдан юксалтириш ҳақидаги фикрлари замирида Зардушт ғоялари ётар эди. Шу маънода Ницше таълимоти бизнинг қарашларимизга яқин, шунинг учун бу файласуфнинг номи «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласидан жой олган. Ницшеннинг ўз қаҳрамони тилидан айтган «Мен ўзини фидо қилиш учун осмондаги юлдузлар ортидан сабаб қидириб, топиб, қурбон бўлувчиларни эмас, аксинча, вақти келиб баркамол инсонлар макони бўлсин, деб ўзини ерга топширувчи фидойиларни севаман», деган фикрлари бизнинг халқимизга хос бўлган эзгулик, бунёдкорлик туйғуларини ифода этади.

Шўролар Ницшени қоралаш учун унинг Баркамол инсон (замонавий тил билан айтганда, супермен) ҳақидаги қарашларини негадир фашизм ғояси билан ёнма-ён ишлатиб қўйиб, унинг асарларини ўқимаслик керак, дея инсониятни қўрқитишди. Ваҳоланки, бу ғоя инсонни бунёдкорлик, халоскорлик, жасурлик фазилатлари руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Аслида маънавий ва жисмоний баркамол инсонларнинг мазлумлар ҳимоячиси сифатида майдонга чиқиши, уларни турли офатлардан халос қилиш — одамзотнинг азалий орзусидир. Қадимги эртақлар қаҳрамони ёки Алишер Навоийнинг — «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод образини эслайлик. Улар ўзлари ҳар жиҳатдан мукамал бўлгани ҳолда, одамларнинг дарду ташвиши билан яшайди, уларнинг мушкулени осон қилади. Бу ҳолни бугунги замонавий бадиий фильмлар қаҳрамонлари мисолида ҳам куриш мумкин. Масалан, Америка бадиий фильмлари бош қаҳрамони «америкалик»нинг турли миллат,

ирқ, динларга мансуб мискинларни ҳимоя қилиб, жонини жабборга бериб ғалаба қилишини эслаймиз. Унга хос сифатлар — кучли ирода, руҳнинг бақувватлиги, халоскорлик, дадил ҳаракат қилишдан иборат.

Сурат ва сийрат. Юртбошимиз бундан бир неча йил илгари куйиниб, кичкина тўсиққа дуч келган пайтдаёқ иймон ва диёнатдан осонгина воз кечиб кетувчи кишиларни қаттиқ танқид қилган эдилар. Бундан ташқари Президентимиз деярли ҳар бир чиқишларида, айниқса муаммоли масалаларни ҳал қилишда қатъиятли бўлиш лозимлигини уқтирадилар. Бу эса ирода ва руҳни мустаҳкам қилиш, тафаккурни янгилашга даъватдир.

Бир донишманддан: «Одамда энг кейин ўзгарадиган нарса нима?» деб сўраганларида, у: «Тафаккур», деб жавоб берган экан. Бугун халқимиз эски мустабид тузумдан тамоман янги, тараққий этган жамиятга ўтишда ҳам ана шу ҳолат кўзга ташланмоқда. Биз нафақат эски тизимдан янгисига, балки XX асрга хос фикрлашдан XXI асрга хос фикрлаш тарзига ўтаётган одамлар ҳаммиз. Ўтган ўн бир йиллик мустақил тараққиёт бизнинг тафаккуримизни ўзгартирди. Биз мустақил элда, мустақил тилда бир-биримизни тез ва соз тушунмоқдамиз. Лекин биз бу натижалар билан кифояланиб қолмаслигимиз керак. Чунки Юртбошимизнинг XXI аср интеллектуал авлод асри бўлиши, бу асрда қайси мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти юқори бўлса, айнан ўша мамлакат тараққий этиши ҳақидаги фикрларининг мағзини чақадиган бўлсак, биз ўз онгу тафаккуримизни юксалтириш йўлида янада кўпроқ ҳаракат қилишимиз зарур.

Антропологларнинг хулосаларига кўра, одамзоғ бундан ўн минг йил аввал ҳозирги қиёфасига келган экан. Шундан бери унинг нафақат шаклу шамойили,

балки феъли ҳам ўзгариб келмоқда. Атоқли адибимиз Абдулла Қодирий таъбири билан айтганда, йиллар ва асрлар давомида одамнинг суратигина эмас, сийрати, фикрлаш тарзи, эътиқоди ҳам ўзгармоқда. Шунинг учун ҳам ўтиш даври, бу бир тафаккур тарзидан иккинчи бир тафаккур тарзига ўтиш жараёни ҳамдир. Буни жаҳон файласуфларининг кўпгина фикрлари ҳам исботлайди. Жумладан, буюк файласуф Г. Спенсер шундай дейди: «Инсон устидан ҳукмронлик қилувчи кучлардан энг қудратлиси ва мураккаби — ишонч, эътиқоддир. Эътиқод ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг универсал йўриқномаси. Ҳар бир жамиятда уни намоён бўлиш шаклига қараб, тезда билиб олиш мумкин...»

Лекин инсон табиатигагина хос бўлган эътиқод билан яшаш тамойилини марксизм рад этди ва тазйиққа олди. Натижада одамларда эътиқодсизлик, ҳаётий қадриятларнинг йўқолиши, қимматсиз нарсаларни қимматли деб, қимматли нарсаларни эса, аксинча, ерга уриш ҳолатлари пайдо бўлди.

Ўтиш даври одами. Ўтиш даври одамлари турли хил бўлади.

Бу даврда янги жамият истиқболини белгилаб берувчи, кучли иродали одамлар масъулиятни ўз зиммаларига оладилар ва аниқ мақсад — буюк келажак, бунёдкор ғоя учун курашадилар. Улар янги тизимга мансуб қадрият ва қарашларни бошқаларнинг тез узлаштириб олиши учун аввало уларнинг қалбида ишонч, жамиятда эса ижтимоий шарт-шароит яратадилар.

Лекин тафаккурдаги ўтиш, янгиланиш, юқорида таъкидлаганимиздек, мураккаб жараёндир. Бу даврда «...одамларнинг маълум тоифаси (маргинал шахслар) тақдир тақозоси билан бир вақтнинг ўзида нафақат ҳар хил, балки қарама-қарши қарашлар орасида яшайди» (Р. Парк).

Америкалик социолог Э. Стоунквист уларни ўзига тушган аксларни турли хил қилиб кўрсатадиган икки ойна орасига ўтқазилган одамга ўхшатган. Ойна аксларидаги зиддият, бир-бирига ўхшамаслик одамдан руҳий ислоҳот ўзлигини англашга даъват этади. Бундай одамлар одатда иккиланувчан, йўл-йўриқ тутишда, бирор ҳодисани баҳолаш ва фаолият кўрсатишда суст ва беқарор бўлади. Аксарият ҳолларда бу тоифадаги одамлар эскича фикрлаб, ўзи мансуб бўлган гуруҳ манфаатларини янгича фикрловчилар манфаатидан устун кўювчи, ўз фойдасига ташвиқот қилувчига айланиб қолади. Айрим ҳолларда бундай одамлар эскича ва янгича тафаккур орасида «таржимон», «муро-сага келтирувчи» шахс вазифасини бажариб, бошқаларга таъсир қилиши ҳам мумкин.

Шунинг учун бугунги кунда бизнинг жамиятимизга янги замон, янги ҳаёт тамойилларини асосли равишда тушунтириб, одамларни эскича тафаккур исканжасидан озод этувчи иродаси мустаҳкам, маънавияти юксак, амалий ишлари билан ишонч қозонадиган кишилар кўпроқ зарур.

Ишонч одатда қайта-қайта эшитилган, кўрилган, синалган, характерга сингдирилган фикрлар асосига қурилади. Истак, ният ҳам ана шу ишончдан ўсиб чиқади, ёки, аксинча, ишончнинг йўқлиги боис сўнади. Демак, истак ва ният — ишончдан озикланади ва ўз навбатида ҳаракат манбаи — иродага энергия, куч-қувват бериб туради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўтиш даври одамлари ҳар хил бўлади. Лекин уларга ҳамма тез, осон тушунадиган мақсад ва гоёни таклиф қилсангиз, улар биргалашиб, уюшиб, ишга тушиб кетади. Бундай ҳолатда билимсиз ва иродасиз одамлар сохта гоёлар таъсирига тушиб қолиши мумкин. Сохта гоёлар ниҳоятда алдамчи бўлиб, улар оддий ва йирик бузувчи-

чилик мақсадларига қаратилган мураккаб кўринишларга эга бўлади. Масалан, ҳаётда «Фалон жойда бир хум олтин кўмилган экан, юринглар, ковлаб оламиз. Бунинг ҳеч кимга зарари тегмайди», деган оддий ёлғонга ҳам ишонувчилар топилади. Улар барча дин, миллатга мансуб одамлар орасида мавжуд. Бузғунчиликка қаратилган сохта ғоялар тарғиботчилари кўп ҳолларда моддий бойликларни ваъда қилиш орқали билими суст, иродаси бўш одамларни ўз йўлига оғдирмоқчи бўлади. Бунга яқин ва узоқ тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Утиш даврида умуммиллий мақсадларни тушуниш ва тушунтириш, уларни ҳар бир фуқаро қалби ва онгига сингдириш ҳеч қачон осон кечмаган. Масалан, Мусо пайғамбарга ўз қавмини илоҳий ғояларга ишонтириши учун қирқ йил, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга эса йигирма йилдан ортиқ вақт керак бўлган. Хўш, умуммиллий мақсад ва ниятнинг ирода ва руҳ билан қандай боғлиқлиги бор, бу боғлиқликни биз қандай англаймиз?

Ирода — ҳаракат — энергия. Ирода барча замон ва маконларда ҳам «инсон шаъни, қадр-қимматининг кўрсаткичи» сифатида ижобий баҳоланиб келинган. Ўз иродасини билиш, уни бошқара олиш ва унга эгаллик қилиш ҳуқуқини ичдан ҳис қилиш одамга кучқувват беради, уни «Мен»идан мамнун қилиб туради. Ўз иродасига эга бўла олмаган киши, миллат эса ўзини беихтиёр ўзгалар ихтиёрига топшириб қўяди.

Ирода — истак, ният ва орзуни амалга оширувчи энергия. Биз бирор нарсани истаб, унга эришишни ният қилар эканмиз, бунга мақсад, ниятга тенг энергия сарфлабгина эриша оламиз. Ғоя эса ниятга йўналиш беради. Демак, ҳар бир инсон, ҳар бир миллатнинг ҳаётдаги ўрни, ижтимоий мақоми унда аниқ, англашган истак, нияти борлиги (ёки йўқлиги), унинг

истаклари тўғри (ёки нотўғри) йўналишда эканлиги ва уларнинг ўз истакларига етиш учун сарфлаган (ёки сарфламоқчи бўлган) энергияси билан ўлчанади. Ушбу масала бевосита миллий ғоямизнинг тушунча ва тамойилларига яқинлиги боис уни аниқ фанлардаги тадқиқ усули орқали ифодалашга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, ҳар қандай ҳаракатда икки нарса — материя ва куч иштирок этади. Материя — ҳаракатланади, куч эса уни ҳаракатга келтиради. Улар бири-бирига узвий боғлиқ. Олам бино бўлганидан буён бу жараён бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Чунки материяни йўқ қилиб бўлмайди. Унинг шакли ўзгаради ва айнан ана шу ўзгаришлар тириклик ва ҳаётни ташкил қилади. Биз одатда кучни эмас, материяни кўра-миз, кучнинг бошқа шакл касб этишини эса ҳамма вақт ҳам сезавермаймиз. Масалан, болғани олиб сандонга урдингиз. Бу жараёнда материя қолгани ҳолда, куч йўқолиб кетгандек туюлади. Лекин бу нотўғри хулоса. Аслида болға ва сандонни ушлаб кўрсангиз, улар иссиқ бўлади. Демак, куч ҳароратга айланибди. Сиз болғани қанча куч билан урган бўлсангиз, ҳарорат даражаси шунга тенг бўлади.

Одамнинг нафақат жисмоний, балки руҳий, маънавий, ахлоқий, демак, мафкуравий, фикрий кучи ҳам ана шу қонуният доирасида кечади. Биз фикрлаганда, уйлаганда, қувонганимизда, нафратланганимизда, ҳатто бирор мақсадни кўзлаётганимизда ҳам шунга тенг энергия сарфлаймиз. Сарф қилинган фикрий куч, энергия шахсий ғоя, мақсад, орзу шакллари ола боради. Бунда ҳаракат бизнинг томирларимизда, миямиз катакчаларида кечади.

Бир тасаввур қилинг, фермерни ҳам даласига орталаб ғоя, **истак** ва **ироданинг** бирлигига асосланган интилиш олиб чиқади. Фақат истакнинг ўзи уни ўрни-

дан турғиза олмайди, далага ҳам чиқара олмайди. Фақат кучли ирода уни ўрнидан турғизади ва фаолиятга сафарбар этади. Аммо ироданинг ўзи қачон бориш керак, қаёққа бориш керак, нега бориш керак, деган саволларга жавоб бера олмайди. Ирода фақат истакка, куч-қувват беради ва инсонни ғоя чорлайдиган мақсад сари сафарбар этади.

Бу мафкуравий формула на манфий, на мусбат, на ижобий, на салбий баҳога эга. Уни манфий ва мусбат қиладиган куч ҳам ғоядир. Шу маънода Мухаммад алайҳиссалом, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур каби зотларни бунёдкор ғоя ва ироданинг соҳиблари деймиз.

Лоқайдлик — иродасизлик. Ўтиш даври барча замон ва маконларда ҳам бунёдкор ва бузғунчи ғоя ҳамда иродаларнинг ўзаро кураши орқали кечган. Шунинг учун ҳам Миллий истиқлол ғояси — бунёдкор ғоя, бунёдкор ирода томонида бўлиб, лоқайдлик, бефарқлик, қатъиятсизликка қаршидир.

Лоқайдлик қандай пайдо бўлади? Лоқайдлик киши онгидаги тасаввур ва билимларнинг янгиланмаслигидан, бунинг оқибатида эса унда янги ғоя ва истакларнинг пайдо бўлмаслигидан, ирода энергиясининг сустлигидан келиб чиқади.

Лоқайдлик ўзи эгаллаб олган инсон қалбини адо қилади. Кишилар онгидаги билим, тасаввур ва ғоялар қанча тез янгиланса, уларда янги мақсад ва истаклар шунча кўп уйғонади. Иродага таянмаган мақсад — қишнинг қуёшига (ёритади, лекин иситмайди) ўхшайди.

Лоқайдлик жаҳолат таъсирида бефарқлик, умидсизлик ва мутеликка айланади. Охир-оқибатда у инсоннинг қалби ва онгини емира бошлайди. Масалан, биз дунёнинг қайсидир мамлакатида содир этилган ваҳшийлик ҳақида эшитганимизда ёки уларни теле-

экран орқали кўрганимизда ғазабланиб, куйиниб, уз муносабатимизни очиқ ифода этамиз. Лекин лоқайд одам бундай қилолмайди, яъни у ғазабланмайди, куйинмайди. Уни, ҳатто, Сурхондарёда шаҳид бўлган Ватан фидойисининг онаси зорланиб йиғлаётгани ҳам безовта қилмайди. У ўзи учун ҳам, миллати учун ҳам қўлини совуқ сувга урмайди. Лоқайдликнинг яна бир тури — ўзининг шахсий ишига пухта, ҳушёр, бироқ жамият, Ватан юмушларига мутлақо бефарқ қарайдиган одамлар орасида учрайди.

Ўтиш даври одамлари — ўзимиз. Мен, сиз, биз. Куйинчаклар ҳам лоқайдлар ҳам ўзимиз. Ҳали кеч эмас, ўтиш даври одамлари — миллий ғоя бизларни уюштирмоқда.

Ўтиш даври — синов даври. У кимлардадир нафс инстинктини, бойлик ҳирсини, кимлардадир миллатга хизмат қилиб қолиш иштиёқини, фидойилик фазилатларини уйғотади.

Ўтиш даври — миллий ўзликнинг, миллий ғоянинг янгитдан шаклланиш даври. Бизнинг Миллий истиқлол ғоямиз ўзимизнинг тараққиёт стратегиямизга мос, Ўзбекистоннинг ривожланиш, янги жамият барпо этиш ғоясидир. Бу ғоя Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида барчамизнинг манфаатларимизни ифода этган халқ ғоясидир.

Ўтиш даври — фидокорона меҳнат фасли. Аждодларимизнинг ҳаққи ҳурмати метин иродали, фидойи бўлиб бунёдкорлик йўлида меҳнат қилишимиз, ёниб яшашимиз лозим.

МАҚСАДГА ЕТИШНИНГ ЕТТИ ШАРТИ

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласининг «Инсоният тарихида мафкурадан кўзда тутилган мақсадлар» деб номланган фасли бор. Унда «Ҳар қандай мафкура қуйидаги асо-

сий мақсадларни кўзда тутуди: муайян ғояга ишонтириш; уюштириш; сафарбар этиш; маънавий-руҳий рағбатлантириш; ғоявий тарбиялаш; ғоявий иммунитетни шакллантириш; ҳаракат дастури бўлиши. Мафкура уз олдига қўйилган шу каби мақсадларни бажара олсагина, амалий самара бериши мумкин», дейилган. Бу қисқа, лекин ута муҳим хулоса.

Муайян ғояга ишонтириш. Ҳар бир жамият сиёсий ҳаётида содир бўлган жиддий бурилиш унинг ғояси, ахлоқи, маънавияти ва қарашларида ҳам параллел содир бўлиши ижобий натижаларни беради. Бундай параллелликка эришса бўлади. Бироқ у кўп, қатъий, тезкор маърифий ишларни талаб қилади. Бир кишини энг замонавий мода бўйича кийинтириб, ясантириб қўйиш учун беш дақиқа кифоя. Бироқ уни замонавий, янгича фикрлашга беш кун ҳам, беш ой ҳам, ҳатто беш йил ҳам камлик қилиши мумкин.

Ғоявий янгиланиш, педагогик тилга ўгирилганда, тарбиялаш ва қайта тарбиялаш деган тушунчаларни англатади. Биз бугун ва эртанги кунимизда кечаги дунёқараш, уй-хаёл, ниятлар билан яшай олмаймиз. Янгича фикрлаб, янгича яшасак — ғолиб, эскича фикрлаб, эскича яшайверсак мағлуб бўламиз. Чунки тараққиётга интилган миллатларгина қолақ тафаккур, зарарли нуқсонлардан ўзини поклаб, олға интиляпти. Бу пойгада қайси миллат замонанинг энг илғор, пешқадам фазилатларига амал қилса ўша ютади.

Президент Ислам Каримов 2002 йил 3 май кунини япониялик археолог олим ва жамоат арбоби Кюдзо Катони халқимизнинг бой тарихи, қадимий ёдгорликлари ҳамда маданий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва хорижий элларда тарғиб қилишдаги катта хизматлари, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий алоқаларни ривожлантиришга қўшган самарали ҳиссаси учун «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш туғрисидаги фармонга имзо чекди.

Кюдзо Като — ёши саксондан ошган олим. У қалимий Сурхон воҳасидаги кўҳна манзилгоҳлар бағридаги бой тарихни ўрганиш учун олис Япониядан келган. Бир неча йиллардан буён Далварзинтепа, Қоратепа, Фаёзтепа каби масканларда изланиш олиб боради. Қўлидаги тешаси билан ҳар бир қарич ерни кавлаб, синчиклаб кўздан кечиради. Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланаётган кунларда ушбу шаҳардаги янги Археологик музейнинг тантанали очилиш маросимида давлатимиз раҳбари бу фидойи инсонни бағрига босиб, «Мустақил юртимизга сиз бир фидойи фарзанд мисоли хизмат қиляпсиз» деб эҳтиром кўрсатганидан кейин мамлакатимизда бу шахсни танимаган одам қолмади. Бизнинг бебаҳо тарихимиз мана шу тарзда бугунги ва эртанги кунимизга хизмат қилмоқда. У халқимизни бошқа халқлар билан яқинлаштирмоқда.

Ана шундай қадриятларимиздан бири бўлган ўзбек курашини олайлик. Бугунги кунда у бутун дунёда омалашиб, юксак эътирофга сазовор бўлмоқда.

Миллий ғурур туйғуси ёшларимизни катта-катта муваффақиятларга даъват этмоқда. Бугунги ўзбек ёшларининг йирик халқаро спорт мусобақаларида, халқаро фан олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритаётгани бунинг исботи эмасми?

Одамлар қалбида буюк келажакка ишонч муносабатлари шаклланди ва у тобора чуқур илдиз отиб бормоқда.

Уюшиш. Ўзаро аҳил, дили ва тили, сўзи ва иши бир миллат тез уюшади. Унинг ичида уюшқоқлик ҳам тез урф бўлади. Аҳил миллат одамларининг ягона мақсад ва нияти уларни ўзаро дўст, қон-қариндошга айлантириб юборади. Бир ҳамқишлоғиникига, маҳалладошиникига келган ҳашарчиларнинг мақсади, нияти, бир-бирини қўллаб-қувватлаши, аҳиллиги, созлиги

қандай бўлса, аҳил миллат ҳам ўзини шундай тутати. Ҳашарга келган кишилар бир-бирига эркин муносабатда бўлишади. Ҳар бир ишни эркин муҳокама қилишади. Чунки ҳар бир айтилган фикр яхши ниятда, умумий ишни енгиллатиш учун айтилади-да.

Мустақил миллат ҳам шундай бир аҳд қилиши керак эдики, токи бу аҳд бизнинг тилимизу дилимизни бир қилсин. Бу аҳд энди бор. У озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, фуқаролик жамиятини қуриб, яшаш. Уни амалга ошириш учун бизга аҳиллик зарур.

Аҳиллик ва билим бўлмаган жойда ҳатто эзгуликка хизмат қилиши лозим бўлган демократия ҳам кутилган натижани бермайди.

Демократия аслида янги фикр, янги ғоя, янги ташаббуслар манбаидир. Бироқ, барча замон ва маконларда ҳам эскича, консерватив фикрловчилар кўп бўлган. Янгича, илғор фикрловчилар эса дастлаб озчилик бўлиб, кейинчалик уларнинг сафи ортиб борган. Ҳаёт қонунияти шундайки, янги фикр доим эски фикр билан курашиб яшайди. Биз ҳозир ҳам бунга гувоҳ бўлмоқдамиз. Демак, инсониятнинг бугун эришган барча ютуқлари янги, илғор фикрларнинг қийналиб бўлса-да, ғалабага эришиб келаётганининг натижасидир. Бинобарин, эришилмаган марраларга эса эски фикрларнинг, консерватизмнинг туёқ тираб турганлиги сабаб бўлган, дейиш мумкин.

Сафарбарлик. Она бой фарзандини ҳам, камбағал фарзандини ҳам бир хил суйганидек, миллат учун ҳам фарзандларнинг мулки, ёши, илми, касби, туғилган жойининг фарқи бўлмайди. Ва миллат ўғил-қизлари ҳам бунинг эвазига ҳар куни ўз Ватанига — Ўзбекистонга хизмат қилишга бурчлидир.

Бозор иқтисодиёти танбал, ишёқмас, боқиманда одамларга шафқатсиз. Бундайлар бозор шароитида ўз ўрнини тополмайди. Енгил ҳаёт, ҳар куни лаззатли

яшаш эрмакка кун утказишдир. Дунёда ота-она яратиб қўйган текин неъматларни еб-ичиб, мусиқа эшитиб, бир умр боқиманда бўлиб, машина миниб ўтиб кетиш яхши эмас. Бу ота-она меҳнати ва давлатидан фойдаланиб ўз умрини, шахс сифатида бетакрорлигини, «Мен»ини, ўзини ўзи совуриш. Охири пушаймон иш.

Фаол, тиниб-тинчимас, изланувчан, янгиликка интилувчи одамларга йўл очиқ. Бир қараганда бундай одамлар ўзларини ўйлаб, елиб-югуриб, ижод қилиб, янгиликлар яратиб, бахтга эришадигандек. Бироқ, улар ўзлари билиб, ё билмай жамият ва миллатнинг тараққиёти билан боғлиқ турли мушкулларни енгиллатади. Масалан, америкалик Гейтс исмли шахс компьютерни ўйлаб топиб, дунёнинг энг бой кишисига айланди. Бундан эса бутун инсоният ютди. Яъни, юз миллионлаб одамлар «Made in USA» тамғаси босилган компьютерларни сотиб олиб, ишла-тиб, бугун қанча-қанча муаммоларни ҳал этмоқда.

Худди шу каби кимдир оғир касалликлардан бирини, дейлик, саратон касаллигини даволаш йўлини топадиган бўлса, ўзининг — интеллектуал мулкига эгалик қилиш ҳуқуқи лицензиясини дунёнинг барча миллат ва давлатларига сотиши мумкин. Бунинг эвазига у беҳисоб мол-дунёга эга бўлади.

Хуллас, у машаққат, изланиш ва яратиш эвазига одамзот бу дунёда нимага эришиши мумкин бўлса, ҳаммасига эришади.

Хўш, миллат, инсоният-чи? Бундан қандай наф кўради? Аввало, бундай кашфиёт туфайли миллионлаб одамларнинг умри узаяди, улар ҳаётнинг лаззати ва гаштини кўпроқ суралди ва бўлади. Қолаверса, бедаво дардлардан биттаси касалликлар руйхатидан таъдидий чиқариб ташланади.

Келинг, ана шундай кашфиётни Ибн Сино авлодларидан булган узбек йигити амалга оширди, деб фарз ва умид қилайлик. Унда бутун дунёдан, турли миллатга мансуб беморлар ҳайрат ва умид билан шифо истаб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларимизга кела бошлайди. Бундан миллатимизнинг обрўи ҳам, маънавий салоҳияти ҳам ошади.

Саратон дардига даво бор. Бу табиатнинг инсон ақли олдига қўйган масаласи, жумбоғидир. Бу жумбоқни ечиш учун тарозининг бир палласига унинг оғирлигига тенг ирода, изланиш, илм, тиришқоқликни жамлаб қўя оладиган йигит-қизлар керак.

Маънавий-руҳий рағбат. Эндигина бошланган ХХI аср янги фазилатларни — ҳар бир фуқаронинг бугунги тараққиётимиз тамойилларини чуқур англаган ҳолда фикр юритишини, илғор миллатлар амал қилаётган турмуш тарзини миллий хусусиятларимизга мослаб қабул қилишимизни талаб қилмоқда. Чунки ХХI асрнинг суръати ХХ асрникига қараганда тездир. Буюк келажак бизлардан қисқа вақт ичида куп ишни қилишни талаб этмоқда. (Пешқадам миллатлар вақтни бениҳоя қадрлашининг сабаби ҳам шунда бўлса керак.)

Бугун халқимиз жаҳондаги минглаб миллатлар орасидан муносиб жой олди. Бизнинг ижтимоий ҳаётимизда адолат қарор топди. Ф. Аквинский таъбирича: «Адолат руҳнинг хусусияти. Одамлар унга таяниб, ҳар бир кишининг ҳақиқага мос ишни бажо келтиришга салоқат ва субут билан интиладилар». Маълумки, мустамлака миллат озод эмас, тутқун бўлади. Тутқун миллат ижодкор бўла олмайди, муте миллат бўлади. Тутқунлик фақат сиёсатда эмас, маънавиятда, менталитетда ҳам яққол кўринади. Чунки одам яшаш, кун кўриш учун мустамлакачилар талабларига мосланиб ўзидаги мутелик ҳиссини янада чуқурлашти-

риб боради. Ҳар қандай миллат алоҳида одамлардан ташкил топади. Демак, ҳар бир одамга хос белги-хусусиятлар охир-оқибатда миллат характери, менталитетига ҳам сингади. Шунинг учун ҳам мустамлакачилик шароитида озод одамларнинг фазилатлари иллат, маданиятсизлик ва беодоблик деб, салбий баҳоланган бўлса, мутеларга хос бўлган мискинлик, лоқайдлик, боқимандалик каби сифатлар эса камтарлик, хушмуомалалик ва одамгарчилик деб ижобий баҳоланди. Биз истиқлолга эришганимиздан кейин бундай қарашларга барҳам берилди бошланди. Шу маънода, ҳозир бизнинг миллатимизда ментал ислоҳотлар, эволюция жараёни кечмоқда. Бундай шароитда эса маънавий-руҳий рағбат ниҳоятда зарурдир.

Инсон ва миллат менталитети ўзгариб туради. Бунга фанда ҳам, динда ҳам далиллар бор. Масалан, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг иймоннинг кучайиб ва сусайиб туриши ҳақидаги, умматнинг аҳиллиги ёки парокандалиги тўғрисидаги ҳадисларини эслаш мумкин. Маърифатпарвар боболаримизнинг миллат тийнати ҳақидаги танқидий фикрларини эслайлик. А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида ҳам бизнинг мустамлака ҳолатига тушиб қолишимизга ўзимизнинг феълимиз сабаб, деган ҳасратли фикрлари яна бир мисол. Буларнинг барчаси мустақиллик шарофати билан биз энди шижоатли, ижодкор миллатга айланаётганимизни кўриш, сезишга қаратилган бир урғу эди.

Ижтимоий-гуманитар фанлар — миллий менталитет, мафкура, маънавият учун асосий озуқа манбаи ҳисобланади. Демак, менталитет эволюцияси бу фанларнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолиши керак. Бу — жамиятнинг умуминтеллектуал салоҳиятини (тарих, фалсафа, иқтисодиёт, мусиқа, сие-сат, адабиёт, менежмент ва бошқа соҳалар бўйича

билимларини) оширади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир француз, немис, америкалик, япон билган умумий билимларни ҳар бир ўзбек ҳам билиши лозим. Демак, маърифат (интеллектуал тарғибот) халқни мактаб, институт-университетдан кейин ҳам узлуксиз ўз устида ишлашига, замонавий билимлардан хабардор бўлиб боришига хизмат қилади. Инчунин, билимли жамиятгина кучли жамият бўла олади.

Айниқса, миллий давлатчилигимиз тарихи, ҳозирги тараққиётимиз ва буюк келажагимиз ҳақидаги билим, тушунча ва тасаввурларнинг бир хилда тўғри тушунтирилиши шу масалада умуммиллий бирликни юзага келтиради. Бу фидокорликнинг бутун Ўзбекистонда — Шаҳрисабзу Хужайли, Фарғонаю Жиззах, Когону Олтиариқда — ҳамма жойда бир хилда намоён бўлишига олиб келади.

Янги хулқ-атвор, одатлар ҳеч қачон бирданига, ўз-ўзидан урф бўлиб кетмаган. Яъни, улар дастлаб пухта асосланиб, кейин қатъият билан жорий этилади. «Жамият бунга аста-аста кўникади. Кейинчалик бу хулқ-атвор меъёрлари — одатга, ундан кейин эса севимли миллий қадриятга — фазилатга айланади» (Ф. Ницше).

Миллий анъаналар, масалан, немислардаги аниқлик, ўзбеклардаги меҳмондўстлик ва бошқа одатлар ҳам қотиб қолган нарсалар эмас, ўзгариб, янгилашиб боради. Японларнинг «Сиккари» (миллатнинг бирор янги анъанага риоя қилишига, ёки аксинча, бирор эскирган хулқ-атвор тарзидан ваз кечишга келишиб, аҳд қилиши) анъанаси бунга мисол бўлиши мумкин. Демак, бир томондан, миллий ғоя мавжуд урф-одатларимизга сингдира борилиши керак (социал технологик асосда), иккинчи томондан эса мутлақо янги — замонавий, миллий ғоя асосига қурилган урф-одатларни илмий асослаб, илғор, замонавий, бунёд-

кор хулқ-атвор меъёрларини, муносабат шакллари-
ни яратиш керак. Бу тажриба барча мутараққий мам-
лакатлар тарихида кузатилган.

Ғоявий тарбия. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида ҳар қандай маф-
куранинг ғоявий тарбия билан шуғулланиши бежиз қайд қилинмаган. Бугун ёшларимиз ғоявий тарбияга қанчалик муҳтож бўлса, аҳолининг таълимдан таш-
қари, ёши катта қисми қайта ғоявий тарбияга шун-
чалар муҳтож.

Эстетик, жисмоний, гигиеник, меҳнат тарбияла-
ри назарияси ва методикаларига катта ёки кичикроқ ўзгартиришлар киритиб, ислоҳ қилиш мумкин-
дир. Лекин ғоявий тарбияга бундай ёндошиб бўлмайди. Мустақиллик, миллатимиз ҳаётидаги янгиланиш жараёнлари ғоя масаласида мутлақо янгича ёндошув-
ларни тақозо қилмоқда. Биз эскича қолоқ фикрлаш, эскича қолоқ тафаккур асоратларидан қанча тез қутул-
сак, ҳаётимиз шунчалар обод, бой ва фаровон бўлади.

«Нима яхшилигини билиш учун ниманинг ёмон-
лигини, нима қилиш кераклигини билиш учун нима қилмаслик кераклигини билиш керак» (Л. Толстой) дейдилар. Бу масалада одамларда шундай савол туғи-
лиши мумкин: биз шўро даврида туғилдик. Унинг тар-
биясини олдик. Ҳақиқий коммунист, инқилобчилар қандай бўлиши кераклигини, нима яхшию нима ёмонлигини шўро мактабларида жуда қойилмақом қилиб «ўргатишган». Ўша вақтлар номаълум тарақ-
қиёт йўлидан мавҳум манзилга кетаётганимизни таҳ-
лил қилиш имкони йўқ эди. Мустақилликдан мус-
тақилликка чиқишимизга йўл берилмасди, бу ҳақда ҳатто фикр ҳам юритолмасдик. Демак, ўтиш даври-
да, мустақиллик шароитида қандай яшаш лозимли-
ги ҳақида ҳам ўйламаганмиз. Миллатимиз тарихида-

ги улкан маънавий юксалиш даврларини ҳам биздан яшириб келганларини энди биламиз. Эскича қараш, қолоқ фикрлаш асоратларидан бутунлай воз кечиш кераклигини ҳам биламиз. Бироқ энди биз қандай мақсадларга интилиб, нимага ишониб яшангимиз керак? Оддий қилиб айтганда нималарни қилиш ва нималарни қилмаслик керак?

Бу масаланинг ечими айланиб-айланиб ғоявий тарбияга бориб тақалади. Ғоя амал қилингандагина ом-малашади. Амал қилинмаган ғоя эса сўнади. Яъни, ҳар қандай улуғвор ғоя ҳам амалга ошмаса — лойиҳадаги бино. Унинг иморатга айланиши учун ким сув келтириши, ким цемент қориши ёки ғишт териши-ни, электр утказиши ва ким томини ёпишини билиши керак. Аниқ билиши керак. Бунинг учун мафкура ўша муҳташам бинонинг бор гузаллиги билан уни қуриш меҳнатини ҳам қўшиб, чизиб курсатиши керак. Бу одамларни — эртага шу бинода яшайдиган кишиларни ишонтиради, рағбатлантиради.

Аммо рағбатлантириш учун олиб бориладиган фаолият аниқ манзилга, шахсга, гуруҳ ёки тоифага қаратилиши, бу борада аниқ мақсадли ғоявий тарбия амалга оширилиши, мақсад ва унга етиш йуллари баён этилиши талаб қилинади. «Баён этиш аниқ-равшан бўлмоғи лозим, бу эса зарур тажрибасиз мумкин эмас» (Р. Бэкон).

Шу маънода болаларга тушуниши учун жуда узоқ муддат талаб қилинадиган ғояни таклиф қилиб бўлмайди. Муддатли ва истиқболли режалар асосида фаолият оддийдан мураккабга йўналтирилиши, шахсий ва гуруҳий жамоа ғоялари улканлаштириб борилиши керак. Албатта буларнинг барчаси умуммиллий ғоямиз контекстида таклиф қилиниши лозим.

Юқорида ғоявий тарбиянинг таълим тизимидан ташқаридаги аҳоли учун ҳам мутлақо янги босқич-

дан бошланиши ҳақида гапирган эдик. Шундай экан, ишлаб чиқариш жамоалари, фермер хўжаликларида ҳам ана шу эволюцион тамойил — оддийдан мураккабга, яқиндан олисга қараб боришга мўлжалланган истиқболларни белгилаб, фаолият юритиш, миллатнинг ўз ақли ва кучига бўлган ишончини мустаҳкамлаб бориш керак бўлади.

Ғоявий иммунитет. Биз Ўзбекистонда хусусий мулк миқёси ва улушини ошириш, мулкдорларнинг кўпчиликини ташкил этишига эришиш орқали ижтимоий ҳаётда барқарорлик ва фаровонликни кафолатлаш йўлидан боряпмиз. Шўролар эса онгимизга бой мулкдорларга қарши шунчалик кучли нафратни сингдирган эдики, унинг асоратлари онгимизни бутунлай тарк этгани йўқ. Етмиш йилдан зиёд вақт мобайнида «Бой — ахлоқсиз», «Бой — бузуқ», «Бой — фирибгар», «Бой — хотинбоз», «Бой — ноинсоф» деган мафкуравий тасаввурлар шакллантирилди. Иш бадавлат одамларга нисбатан бўлган нафратни «совет кишиси»нинг туғма фазилати сифатида талқин этишгача бориб етди. Ҳамма бир хилда эзилган, бир қолипга солиниб, ягона тоифага келтирилган, барча бир хилда ўйлашга йўналтирилган, битта тилда сўзлашга мажбур этилган тузум эди, у тузум.

Бу ҳақда АҚШнинг Массачусетс технология институти профессори Лорекн Р. Грэхэм 1991 йилда чоп этилган «Табиатшунослик, фалсафа фанлари Совет Иттифоқидаги одамларнинг хулқ-атвори ҳақида» — деб номланган монографиясида шундай ёзади:

«Шўролар Марказий Осиё халқлари билим ва тафаккурда саводсиз, қолоқ деб жар солишди. Лекин ўша даврда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг шимолида яшаётган, билим ва тафаккури ўша халқларникидан ортиқ бўлмаган миллионлаб ишчи-деҳқонлар ҳақида лом-мим дейишмади...

Чунки, шуро мафкурачилари марксизмнинг тараққиётдан орқада қолган халқлар учун жозибали эканини кўп таъкидлашар эди. Аммо марксизм моҳиятида европоцентризм ётиши тўғрисида лом-мим дейилмас эди. Негаки, ҳар қандай илмий назариянинг тўғри ё нотўғрилигини фақат партия билиши ва айтиши мумкин эди, холос». Бунинг устига, агарда XX асрнинг 30—40-йилларида коммунистик тарбия ва тарбия услубларига ишонч кучли бўлган бўлса, 80-йилларга келиб, бу ишонч қуриб битган эди.

Аммо очиқ айтиш керак, баъзан одамлар орасида, «Илгари яхши эди. Ҳамма бир хил яшарди. Бойлар йўқ эди» деган гаплар ҳам учраб туради. Тўғри, шўролар даврида бойлар йўқ, ҳамманинг камбағаллик даражаси бир хилда эди. Биз 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида метрополия қовоғига қараб яшадик. Ҳолбуки, бу пайтда бутун дунё бозор муносабатларига юз тутган эди. Биз учун бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш — сунъий дунёдан, иссиқхонадан чиқиб, асл табиат бағрига кириш, сунъий ҳаёт неъматларидан қўл силтаб, шуро зиндонидан чиқиб, кураш майдонига кириш, қўлмакдан чиқиб, бутун оламда бир хил бўлган денгиз сатҳига, океанларга боғланиш, шўроларнинг социал экспериментал лабораториясининг бузуқ ҳавосидан қутулиб, тоза ҳавога — боғу роғлар қўйнига киришга ўхшайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида халқимизнинг «Ишлаган— тишлайди», «Қозон ўтдан — одам ҳаракатдан қизийди», «Аҳд қилган бахт топар» каби мақолларида кўзда тутилган қонун-қоидалар амал қила бошланди. Чунки, миллатга ишёқмас, боқиманда, муте одамлар эмас, ишчан ва тадбиркор, ақли бутун, маънавияти юксак, ҳам ўзини, ҳам эл-юртни боғи қиладиган фарзандлар керак. Мустақиллик шарофати билан айнан ана шундай — иродали, тиниб-

тинчимас, ижодкор, изланувчан, бошлаган ишнин охирига етказмасдан қўймайдиган янги, ҳақиқий инсонлар пайдо бўла бошлади.

Бу одамлар дунёқараши, ишга бўлган муносабати жиҳатдан тамоман бошқача. Уларнинг уйлари ҳам, гаплари ҳам, юриш-туришларию кийинишлари ҳам янгича ва замонавий. Улар вақтини фақат чойхона ва зиёфатларда ўтказмайди. Улар учун энг қимматли нарса — ВАҚТ. Улар ҳол-аҳвол сўрашишнинг ўзига беш-ўн дақиқа сарфлашга ҳам оғринади. Улар камгап. Лекин ишга шердек ташланади.

«Равшанжон учта ночор оилага фалон сўм ёрдам қилган эмиш», «Собирбой ўз ҳисобидан мактаб, унинг ёнидан эса маънавият уйи қуриб берган эмиш. Яна тўрт нафар аълочи талабага стипендия бериб, ҳомийлик ҳам қилаётган эмиш, барака топгур» деган гапларни бугунги кунда кўп эшитамиз. Бу гаплар ҳам жамиятимизда мулкдор ва тadbиркор одамлар кўпайиб бораётгани, улар саховат, меҳр-оқибат тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини кўрсатади.

Ҳаракат. Афсуски, халқимиз тафаккурига шўролар сингдирган лоқайдлик, беғамлик, «Билдим, дединг — тутилдинг, билмадим деб қутулдинг», «Ҳаммани қўй, сўқимни сўй» деган мақолларга амал қилиш каби баъзи ҳолатлар ҳали ҳам учраб туради. «Биз бирлашиб бир ҳашар қилсак, албатта, шу иш битиб қолади. Қани, бошладик» дейиш ўрнига «Бўлса, бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» қабилида бепарво яшаш ҳоллари ҳам бор.

Япония фонди томонидан тақдим этилган «Ошин» теленовеллаларини барча юртдошларимиз, айниқса она-сингилларимиз ойнаи жаҳон орқали севиб томоша қилдилар. Ушбу сериалнинг 95-қисмида Ошин «Эримга ёрдам бўлсин», деб устози Тако хонимнинг

сартарошхонасига иш сўраб боради. (Устози уни «Ҳеч ким сенга ёрдам бермайди. Сен фақат ўз кучинг, ақлингга ишонишинг керак» деган тамойил асосида тарбиялаган эди.) Тако хоним уни ишга олади ва Ошин қаттиқ меҳнат қилиб, кўп пул топа бошлайди.

Эри эса синган фирмасини тиклаб, пул топиш ўрнига хотини топган пулларни ресторанларда ичкилик ичиб, кайфу сафо қилиб, совура бошлайди. Бу ҳолат анчагача давом этиб, уларнинг турмуши бузилиш даражасига бориб қолади. Ошин бу аҳволни ўз устозига йиғлаб айтиб беради. Ана шунда донишманд Тако хоним шундай дейди: «Хотин кўп пул топса, эр ишламай кўяр экан. Қанча кўп пул топсанг, шунча беғам бўлаверар экан. Бу аччиқ ҳақиқатни мен ўз ҳаётимдан кўриб синаганман».

Ошин ҳам «Агарда мен ишлаб қанча кўп пул топаверсам, эрим шунча боқиманда бўлиб, оиламиз бузилиб кетади. Эрим — ақли, иқтидорли тадбиркор. Унинг ориятини уйғотиб, қаттиқ ҳаракат қилиши учун шароит яратиб беришим керак. Шундагина у ўз имконияти, иқтидорини тўла ишга солади. Шундай қилганим бўлсин», — деб қарор қилади. Улар ниҳоятда қийналишади. Ейишга ҳеч вақолари қолмайди. Лекин аста-секин, ғоявий бирликка асосланган сафарбарлик туфайли, оила бюджети ҳам, ўзаро меҳр-муҳаббат ҳам тиклана бошлайди.

Қиссадан ҳисса—ҳар бир инсонда жамият учун фойдали бир иқтидор бор. Уни рўёбга чиқариб, бойбадавлат яшаш керак. Бунга эришиш бозор иқтисодиёти шароитида бутун дунёда ҳозир ҳам қийин. Лекин унга эришиш мумкин ва керак.

Мустақиллигимиз шарофати билан бизга минглаб имконият эшиклари ланг очилди. Шулардан бири — ҳалқаро ишчи кучи айирбошлашдир. Бу жараён йўлга қўйилгани боис бугунги кунда минглаб чет элликлар

Ўзбекистонда, минглаб ўзбекистонликлар эса чет элларда ишлаш имкониятларига эга. Мутараққий мамлакатларда инсон омилидан самарали фойдаланиш қандай йўлга қўйилгани, бозор иқтисодиётининг, меҳнат бозорининг моҳиятини англаш учун у ерларда одамлар қандай ишлаётганига бир назар ташлайлик.

Жанубий Кореяда 2 йил ишлаб келган 36 ёшли Дониёр ака сўзлайди: «Жанубий Кореяни юксалтирган нарса менимча қаттиқ меҳнат, интизом, кичик маиший нарсаларда кўп фикрлик, катта нарсаларда — дили, тили бирлик. Кичик, хусусий корхоналарда одамлар 12 соатдан ишлайди. Якшанба — дам олиш куни. Бу ерда ишдан эрта кетиш ҳоллари мутлақо йўқ. Шунингдек, «Ака, бир маъракамиз бор эди, шунга бормасам бўлмай турибди. Мени сўрашса, «Шу ерда», денг хўпми?! Эртага келиб, бугунги ишимни қилиб қўярман» қабилидаги узрхоҳлик ва баҳоналар ҳам кўзга ташланмайди. «Бу — бошлиқнинг қариндоши», «Бу фалон бойваччанинг огайниси» деган гаплар-ку уларнинг тушига ҳам кирмайди.

Мен ишлаган корхонада бошлиқнинг иккита жияни ишлар эди. Ака-сингил. Акаси 2 марта беш дақиқадан ишга кеч келган эди, ишдан ҳайдашди. Орадан 6 ой ўтди. Синглиси мебелга қулфни икки марта нотўғри ўрнатган эди, у ҳам ишдан ҳайдалди. Талаб жуда қаттиқ, шунинг учун меҳнат ҳам самарали. Иш куни 12 соатли машаққатли, бетиним меҳнатдан иборат. Жанубий Кореяни юксалтирган нарса ҳам ана шу — миллий бирлик, қаттиқ ва самарали меҳнат. Биз ҳам давлатимиз яратиб берган шундай улуғ имкониятлардан фойдаланиб, ишга эскича қарашдан қутулсак, Жанубий Корея эришган маррага албатта стамиз, улардан ўзиб ҳам кетамиз, мен бунга ишондим. Чунки ўзбек халқининг меҳнатсеварликда бошқалардан ҳеч ками йўқ».

Ҳамюртимизнинг ишончи ўринли эканини таъкидлаш лозим. Биз ўзимиз ҳам хизмат сафари билан Корея Республикасида бўлиб, унинг тарихи ва ҳозирги аҳволи билан яқиндан танишиб, ушбу давлат тараққиётининг сири нимада эканини билишга ҳаракат қилдик. Уни Ўзбекистонда ҳозир амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар билан қиёслаб, истиқболимиз фақат ўзимизга боғлиқ эканига, турмушимизни фаровон қилиш ўз қўлимиздалигига яна бир бор иймон келтирдик.

Жанубий Корея XX асрнинг 70-йилларигача иқтисодий жиҳатдан ночор бўлиб, ялпи миллий даромади бўйича дунё мамлакатлари рўйхатида охиридан тўртинчи ўринни эгаллаб келган. Худудининг катта қисми тоғли жойлардан иборат бўлгани учун бу ерда табиий ва минерал хомашё заҳиралари кам, экин майдонлари чекланган, илгари саноат ишлаб чиқариши яхши йўлга қўйилмаган мамлакат кейинги ўн йилликлар давомида ўтказилган кенг қамровли ислоҳотлардан сўнг мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Ҳозирги кунда бу мамлакат ўз тараққиёти жиҳатидан дунё мамлакатлари орасида ўн иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Қаранг, хомашё заҳиралари чекланган мамлакат ўз халқининг иродасига таяниб, қатъият билан замонавий саноат корхоналарини бунёд этди ва аниқ мақсадни кўзлаб, бозорга ўз моли билан киришга интилди. Ушбу корхоналар Корея Республикасининг ўтиш даврида ҳам, унинг ҳозирги тараққиётида ҳам ғоятда муҳим ўринни эгаллаб келмоқда. Масаланинг яна бир муҳим жиҳатини тасаввур этиш ва англаш учун қўйидаги мисолга мурожаат этайлик. 1968 йилда куриб ишга туширилган «POSKO» номли йирик металлургия комбинати жамоасининг ўзига хос, корейс миллий хусусиятига мос шиори бор: «Заҳиралар

чекланган, лекин ижодга чегара йўқ». Мазкур ва шунга ўхшаш шиорлар корейс халқини ҳаётда муносиб яшаш учун курашга, ижодга илҳомлантириб туради.

Албатта, меҳнат ва унинг маҳсулоти қандай бўлса, турмуш ҳам шундай бўлади. Бунинг мисолини биз бугун ўзбек тадбиркорлари, ишбилармонлари меҳнати ва турмушида ҳам кўра бошладик. Демак, ҳар бир юртдошимиз ватанпарварлик фазилатини фақат сўзда эмас, балки ўз иш ўрнида, қаттиқ ва самарали меҳнати орқали тасдиқлаши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, халқнинг маънавияти, онгу тафаккурининг ўзгариши ва доимий равишда юксалиб боришида ана шу халқ орзу-интилишлари ифодаси бўлган миллий ғоя муҳим аҳамият касб этади. У аввало халқни ўзлигини англаб, ягона ғоя атрофида бирлашишга даъват этади. Ўзлигини англаган, ягона халқ, ягона миллат булиб уюшган жамиятни эса ҳеч қандай куч енголмайди. У албатта ўзининг эзгу мақсад-муддаоларига эришади.

Бугунги кунда халқимиз Миллий истиқлол ғояси асосида ўзлигини англаб, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида олға интилмоқда. Бу жараёнда унинг иродаси тобланиб, тафаккури юксалиб бормоқда. Мана шундай ҳаётбахш ғоя атрофида уюшиб, бутун куч-ғайратини олижаноб мақсадлар сари сафарбар этиб яшаётган халқимиз ўз келажagini ўз қўли билан барпо этмоқда. Бу эса мана шу юрт фарзанди бўлган ҳар бир инсонга алоҳида гурур-ифтихор бахш этади.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1998 йил.
2. *Қуръони Карим*. Тошкент, «Чулпон» нашриёти, 1993 йил.
3. *Имом Бухорий*. «Ҳадис». 4 жилдлик, Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти, 1993 йил.
4. *Имом Термизий*. «Саҳиҳи Термизий». Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти, 1993 йил.
5. *Абу Наср Форобий*. «Фозил одамлар шаҳри». Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993 йил.
6. *Абу Райҳон Беруний*. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар». Тошкент, 1968 йил.
7. *Амир Темур*. «Темур тузуклари». Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966 йил.
8. *Мирзо Улугбек*. «Турт улус тарихи». Тошкент, 1996 йил.
9. *Алишер Навоий*. «Маҳбуб ул-қулуб». Тошкент, 1987 йил.
10. *Низомиддин Шомий*. «Зафарнома». Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил.
11. *Заҳририддин Муҳаммад Бобур*. «Бобурнома». Тошкент, «Чулпон» нашриёти, 1989 йил.
12. *Абдулла Авлоний*. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ». Тошкент, «Шарқ нашриёти, 1994 йил.
13. *Маҳмудхужа Бехбудий*. Танланган асарлар. Тошкент, «Маънавият» нашриёти, 2000 йил.
14. *Ислоҳ Каримов*. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». 1-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил.
15. *Ислоҳ Каримов*. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». 2-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил.
16. *Ислоҳ Каримов*. «Ватан сажадоғ қаби муқаддасдир». 3-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил.
17. *Ислоҳ Каримов*. «Бунёдкорлик йулидан». 4-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил.
18. *Ислоҳ Каримов*. «Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби». 5-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1997 йил.
19. *Ислоҳ Каримов*. «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1998 йил.
20. *Ислоҳ Каримов*. «Маънавий юксалиш йулида». Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1998 йил.
21. *Ислоҳ Каримов*. «Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин». / «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар. / «Тафаккур» журнали, 1998 йил, 2-сон.
22. *Ислоҳ Каримов*. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». «Мулоқот» журнали, 1998 йил, 5-сон.
23. *Ислоҳ Каримов*. «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида». 6-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1998 йил.

24. *Ислом Каримов*. «Биз ўз келажигимизни ўз қўлимиз билан қура- миз». 7-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1999 йил.
25. *Ислом Каримов*. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз». 8-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 2000 йил.
26. *Ислом Каримов*. «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда». Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1999 йил.
27. *Ислом Каримов*. «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда». Тошкент, «Ўзбе- кистон» нашриёти, 1999 йил.
28. *Ислом Каримов*. «Миллий истиқлол мафқураси — халқ этиқоиди ва буюк келажакка ишончдир». / «Фидокор» газетаси муҳбири саволла- рига жавоблар. «Ўзбекистон» нашриёти, 2000 йил.
29. *Ислом Каримов*. «Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз». 9-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 2001 йил.
30. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар». Тош- кент, «Ўзбекистон» нашриёти, 2001 йил.
31. БМТ нинг Инсон ҳуқуқлари декларацияси. / «Инсон ҳуқуқлари: ўқув қўлланмаси». Тошкент, «Адолат» нашриёти, 1998 йил.
32. «Баркамол авлод орзуси». Тошкент, «Шарқ» нашриёти, 1999 йил.
33. «Ўзбекистон Республикаси». / Энциклопедия. Тошкент, Қомус- лар бош таҳририяти, 1997 йил.
34. «Соғлом авлод — бизнинг келажигимиз». Тошкент, Ибн Сино номидаги нашриёт, 2000 йил.
35. «Маънавият юлдузлари». Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги нашриёт, 1999 йил.
36. «Алпомиш: Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони». Тошкент, «Шарқ» нашриёти, 1998 йил.
37. «Жалолиддин Мангуберди». Тошкент, «Шарқ» нашриёти, 1999 йил.
38. «Қалтис саволларга ҳолис жавоблар». (Дин ва дунёвий муаммо- ларга доир), «Тафаккур» журнали, 1999 йил, 3-сон.
39. «Халқ, миллий мафқура ва зиёли масъулияти». «Тафаккур» жур- нали, 1999 йил, 2-сон.
40. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. (Маъру- за матнлари учун материаллар). Тошкент, «Янги аср авлоди» наш- риёти, 2001 йил.

НОРҚУЗИ ҚУВВАТОВ

ЎТИШ ДАВРИ ТАФАККУРИ

«Миллий истиқдол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар»
уқув фани буйича махсус методологик комиссия
нашрга тавсия этган

Тошкент «Маънавият» 2002

Муҳаррир *М. Қаршибоев*
Рассом *С. Соин*
Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*
Мусаҳҳиҳ *Ш. Илҳомбекова*

Теришга 17.07.2002 й. да берилди. Босишга 12.08.2002 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108^{1/32}. Таймс ғарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Шартли кр.-отт. 2,1. Нашр т. 1,07. 2000 қушимча нусха. Буюртма № К-9583. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон. 41-уй. Шартнома 28—02.

Илҳомбекова Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди. Тошкент, Навоий кучаси. 30-уй. 2002.

МОНУМЕНТ